



Улугларини улуглай олган, кадрлаган халкнинг келажаги улугдир. Мустакиллик неъматларидан бири шуки, бу кун биз улуг аждодларимиз рукини шод этиб, улар меросини ўрганиб, маънавиятимизни бойитмоқдамиз. Ахмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Сайфиддин Бухорий Бохарзий, Абдухолик Гиждувоний, Бахоуддин Накшбанд, Хожа Ахрор Вали, Хазрати Махдуми Аъзам хакида китоблар, маколалар ёзилди, уларнинг юбилейлари ўтказилди, тарикатлари ўрганилиб, асарлари бирин-кетин нашр этилмоқда.

Кадимги Туронзамин бундай номи оламга таралган авлиёлар, орифу олимларга серобдир. Абдурахмон Жомийнинг машойихлар хаётига багишланган “Нафахот ул-унс” номли китобида келтирилган 662 шайхи киборнинг тенг ярми Мовароуннахр ва Хоразмда вояга етишган зотлардир. Асар XV аср ўрталаригача бўлган даврни ўз ичига олади ва унда Хожа Ахрор Вали охирги халка сифатида тилга олинади. Шубхасизки, кейинги асрларда яна кўплаб мутафаккир файласуф сўфийлар, амалиётчи “мажзуб” валилар бизнинг муборак заминимизда тугилиб, халкни ҳақ йўлига хидоят этиб турдилар. Файзли, баракали бу Ватан ҳеч қачон авлиёуллох нуридан холи бўлган эмас, ўшаларнинг нури поки туфайликим етмиш йиллик дахрийлик куткусига қарам халкимизнинг қалб тўрида хали-хануз илохий файз порлаб туради ва “партав” нури бугунга келиб, улуг Ўзбекистонни шуълалантирмоқца, юртимиз рухониятини бардам қилиб, ёлгон ва шарорат, пастлик ва ҳақоратларга қарши ўларок покизалик, иймон-эътиқод учун курашимизга йўл кўрсатмоқца.

Шунинг учун сўфий шайхлар хаёти ва амалларига багишланган китобларни излаб топиб, кадрлаб-авайлаб нашр эттиришнинг аҳамияти бағоят катта ва бундай савоб, шарафли ишга бош қўшган одамларнинг дунё ва охирати обод бўлиши муқаррардир. Шундай жонсарак, фидойи инсонлардан бири Қарши давлат дорилфунунининг доценти Аҳмаджон Чориевдир. Аҳмаджон хали илм аҳлига ҳам, тасаввуф билимдонларига ҳам маълум бўлмаган кашқадарёлик шайхул машойихлардан бири Султон Сайид Аҳмад Вали ҳақидаги мароқиб (мароқиб — сўфийлар ҳақидаги асардир) китобни топиб, олиб келди ва уни ҳозирги ўзбек ёзувига ўтказиб, нашрга тайёрлади.

Китобнинг муаллифи номаълум. Асар форс тилида ёзилган. Сайфиддин ибни Камариддин деган мухтарам инсон уни ўзбек тилига таржима қилдилар. Таржиманинг тили фавқуллодда содда ва раво, ҳозирги ўзбек тилига жуда яқин. Жумлалар бурро ва аниқ, ифодали ва тушунарли усулда битилган.

Султон Сайид Аҳмадни “Ҳазрати Бузруквор”, “Ҳазрати Башир” (ёки Бешир) деган сифатлар билан улуғлаганлар. Китоб кўлёмасида анчагина тарихий маълумотлар мавжуд. Чунончи, соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улугбек, Али Қушчи, Амир Темурнинг пири Мир Сайид Мирзо Барақа тўғрисида муҳим маълумотлар бор. Султон Сайид Аҳмаднинг саргузаштлари, ўша замоннинг улуг шайхи ҳазрати эшон Хожа Ахрор Вали билан мулоқотлари ҳам қизиқарли қилиб тасвирланган. Зеро, Хожа Ахрор Вали Султон Сайид Аҳмадни ҳасадчи ва нодон кишилар зугумидан саклаб қолган эканлар. Ҳазрати Башир, яъни Султон Сайид Аҳмад Вали Мирзо Улугбекнинг замондошидир. Китобда “Мири ҳақиқат” тарих санаси сифатида келтирилган. Одатда, қадимгилар тарих санасини қўйганда, кўпроқ вафот этган йилни назарда тутадилар. Лекин бу ерда гап ҳазрати Баширнинг тугилиши воқеасини баён этади, яъни Сайид Мирбараканинг биродари Мирсаид Неъматуллох қишлоғига Қосатарош (Қашқадарё вилоятида, Китоб туманига қарашли) қелиб, Ҳожи Ҳасан деган мўътабар бир мўйсафид уйида меҳмон бўлади. Мўйсафид фарзанди йўқлигидан ҳасрат қилади. Шайх Мирсаид Неъматуллох дуоши шарофати билан Ҳожи Ҳасаннинг хотини Биби Малокат хомиладор бўлиб, ўғил қўради.

Аммо кўкрагида сўт йўқ эди. Болани бошқа хотин эмизиб катта қилади. Шунга биноан, Султон Сайид Аҳмадни тожикча “бешир”, яъни сўтсиз деб атайдиган бўладилар.

“Мири ҳақиқат” сўзининг абжод ҳисобидан чиқадиган натижаси хижрий 868 йилига тўғри қеладики, уни мелодийга айлантурсак, 1464 бўлади.

Демак, “Мири ҳақиқат” лақабига сазовор бўлган Сайид Аҳмад Вали Ўрта Осиёда

накшбандия таълимоти таркалган бир замонда яшаган. Аммо бу шайхнинг таважжуhi кўпрок Хожа Ахмад Яссавий тарикатига каратилган бўлади. Тўгри, китобда “Дил ба ёру даст ба кор” шиори тилга олиниб, сўфий-дарвешлар албатта доимий меҳнати билан шугулланиши ва ҳар ерда, ҳар қандай шароитда Аллох зикрини тилда ва дилда қанда қилмаслик ҳақида сўз боради, тарикат одоби, зикр тушириш тарзи ва бошқа қоидалар яссавия йўлида бўлиши таъкидланган. Айниқса, самоъга кўп аҳамият берилган. Султон Сайид Ахмаднинг ўзлари самоъ рақсларидан ҳузурланиб, шогирд-муридларига ҳам бунини ўргатганлар. Самоъ пайтида дарвешнинг руҳи осмонларни сайр этади, илоҳий руҳлар билан учрашиб, маърифатдан баҳраманд бўлади, деган экан ул зот. Яна муҳим томони шуки, бу мажлисда бир неча кўшиқчи, муганний-созандалар ҳам иштирок этиб турган, ҳуллас, шайх санъат аҳлини эъзозлаган. Китобда ўнлаб созанда ва хонандаларнинг номлари келтирилган.

Афтидан, Сайид Ахмад накшбандия ва яссавия тарикатларини кўшиб, ҳар икки пирга эътиқод қўйган одам бўлган. Бу ҳол Хожа Аҳрор даврида накшбандиянинг низом сулуқида ўзгаришлар бўлганидан далолат беради.

Шайхи Бузруквор Сайид Ахмад Вали ўзлари умр давомида меҳнат билан машғул бўлиб келган, тоғда бир қанча йиллар горда яшаган пайтида, бодомзорлар бунёд этган, ариқ қазиб сув чиқартирган, барча муридлари ҳам меҳнат билан ҳалол яшаганлар. Шайх, айниқса ҳаромдан ҳазар қилган. Талончилик, порахўрлик, ноҳақ тортиб олинган моллардан, урушда қўлга қиритилган ўлжадан қўл тортган. Ҳатто вақф ерни ҳам қабул қилмаган, бунда етим-есирларнинг, мусулмонларнинг ҳақи бор, деб огоҳлантирган. “Менга худо берган бир парча ер етарли, шунга бугдой экиб, бог қўқартириб, қунимни ўтказаман”, деган.

Китобда ҳозирги қунимизга ибрат бўладиган жуда кўп ҳикоят ва насиҳатлар бор. Сиз ушбу китобни ўқиб, тасаввуф аҳлининг ҳаёти, амалий ишлари, ҳалққа, мазлумларга келтирган нафидан хабардор бўласиз. Ҳусусан, китобнинг тарикат ҳақидаги иккинчи боби тасаввуф асосларини ўрганиш учун муҳим манбадир. Унда ҳол илми, зикри арра, мақомат даражалари, жаҳрия зикри самоъ тартиб-қоидалари ҳақида анча тоза гаплар бор. Арабий ва форсий манбаларда келтирилган тасаввуф ривожларини муаллиф Шайх Султон Сайид Ахмад Вали қарашлари ва ишлари билан солиштириб, сўфийлик мартабалари, валилик ва қаромат маъноларини талқин этади. Қизик-қизикҳолатлар, гайб асроридан огоҳ бўлиш қобилияти, шайхнинг илҳом дамларида эришган файзу неъматлари, маънавий оламдан баҳрамандлик шарофатини берилиб ҳикоя этади. Келтирилишича, тарикатда тараққий топмоқчи бўлган одам ўн икки босқични босиб ўтиши керак. Бу ўн икки босқични ўн икки “осмон” деб атаб, ҳар бирига ном ҳам беради, қунончи: барқи ломеъ осмони, мартабаи огоҳий осмони, (сукра осмони) инсоф осмони, мароқиб осмони, мўминлик осмони, тажрид осмони, тафрид осмони, инсоф осмони, таслим осмони, мўминлик осмони, авлиёлуллох осмони, ақли қамол осмони, ҳукм ва сури Исрофил осмони. Ҳар бир мартаба — “осмон”нинг белгилари бирма-бир тушунтирилган. Китобда XV аср воқеаларига оид маълумотлар билан бирга тасаввуфнинг машҳур шайхлари ҳаётидан ҳам бир қанча ҳикоятлар келтирилади. Муаллиф ушбу асарни ёзишда кўплаб манбаларни қараб чиққани аниқ. Китоб Султон Сайид Ахмад Валининг вафотини ҳикоя қилиш билан тугайди.

Шуни қайд этмоқчимизки, ушбу асар гарчи номи машҳур бўлмаган “махаллий” шайх ҳаётига бағишланган бўлса-да, аммо унинг мазмуни хийла бой бўлиб, номдор шайхларнинг манокибларидан қолишмайди. Сўфийлик удумлари, сўфийларнинг нияти ва

максади нима эканини билишга кизиккан одамга бу китоб кўп нарса беради. Бу асар шу жихатдан ҳам кимматли манба сифатида кадрланишига арзийди. Одамзотнинг еру кўк, жонли ҳам жонсиз мавжудот билан алоқаси, беозорлик, рахму шафкатли бўлиш гоялари китобнинг бошидан охиригача таргиб килинган. Асарнинг фазилати кўп. Хуллас, бу китоб хар биримизга маънавий мадад беради.

Нажмиддин Комиловнинг
"Тасаввуф" китобидан